*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 8 январь, чоршанба • № 3 (10.881) • Эркин нархда сотилади

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги фанининг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишда илмий муассасаларнинг роли ва масъулиятини кучайтириш, республика агросаноат мажмуидаги ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси умумий йиғилишининг уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази:

илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бошқа илмий ҳамда илмий-ёрдамчи ташкилотлар бирлашмаси;

қайси идорага қарашлигидан қатъи назар, агросаноат мажмуи соҳасида республика илмий муассасалари ва олий ўқув юртлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи орган;

мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қишлоқ хўжали-

*(Давоми 2-бетда)*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИНГ АҲВОЛИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика қишлоқ савдосидаги олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳволини ўрганиш, қишлоқ аҳолисини кундалик эҳтиёждаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари билан таъминлашдаги савдо хизматини яхшилаш, «Ўзбекбирлашув» ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарларининг бозор иқтисоди шароитида бу ишларни ташкил этишдаги масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ушбу масалани ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилсин ва жойларга юборилсин.

2. Гуруҳ раҳбарлари ушбу ишни ташкил этиш учун тегишли вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари-ни, республика Давлат солиқ қўмитаси, Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва тижорат банкларининг таркибий бўлинмаларининг мутахассисларини жалб этсинлар.

Кўрсатилган гуруҳлар қуйидагиларни ўргансинлар:

— савдо шахобчаларининг моддий-техника базасини, уларнинг санитария меъёрларига ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти талабларига мувофиқлигини;

— қайта ташкил этилган матлубот кооперацияси объектлари мулкчилик

*(Давоми 2-бетда)*





***Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида кейинги пайтларда кўплаб янги бозор ва расталар, дўконлар очилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Уларга кундалик эҳтиёж молларини мунтазам келтириб туришга ҳаракат қилинмоқда.***

***Суратларда: Бекобод шаҳар Ўзбекистон металлургия корхонаси олдидаги бозор бекати. Қибрай туманидаги хусусий «Дилмуродхўжа» корхонасининг озиқ-овқат дўконида савдо пайти.***

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ХАРИТАЛАРДАГИ «ҚОРА ДОҒ»ЛАР

**Бетга айтганнинг заҳри йўқ**

БУ ВОҚЕАНИ ҳеч унутмайман. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганига ҳали кўп бўлмаган эди. Яқин дўстим Америка Қўшма Штатларига малака ошириш учун ўқишга борди. Қайтиб келгач, ўз таассуротларини ҳикоя қилди ва менга «хонангга осиб қўярсан», деб Америкада ишланган дунё харитасини берди. Мен уни олдиму, беихтиёр Ўзбекистонни ахтара бошладим. Дўстим ниятимни уқиб тургандек, «хавотир олма, мана, бизнинг Ўзбекистонимиз», дея харитадан мустақил мамлакатимизни кўрсатди. Сўнгра «мана бунга ҳам қараб қўй», деди-да, Ўзбекистон байроғига ишора қилди. Кейин билсак, ушбу харита остида дунёдаги барча мустақил давлатлар байроқларининг мўъжазгина тасвири ҳам туширилган экан. Уларнинг орасида бундан бор-йўғи уч ой бурун қабул қилинган бизнинг байроғимиз ҳам бор эди...

Мен бу воқеанинг тафсилотини бежиз келтирмадим. Зеро, мустақил давлатимиз рамзлари ҳар биримиз учун ўта муқаддасдир. Хориждаги бу масалага шунчалик эътибор билан қаралаётган экан, ўз уйимизда бу табаррук белгиларни кўз қорачиғидек асрашимиз, қадрлашимиз шарт эмасми?

Афсуски, мустақилликка эришганимизга олти йил бўляпти-ку, бу борадаги ишлардан кўнглимиз тўлмаяпти. Яқинда таҳририятимизга Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ҳуқуқшунос Абдуқаҳҳор Муталовдан бир мактуб келди. Унда шундай жумлалар бор эди: «Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия ва картография бошқармаси томонидан чиқарилган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг рангли харитаси қўлимга тушиб қолди. Аввалига хурсанд бўлдим. Мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси сифатида харитадаги ҳудудлар, манзиллар номлари эътиборимни тортди. Аммо, қувончим узоққа чўзилмади. Чунки, харитадаги жойларнинг русча номланиши таъбимни хира қилди. Бир томони — Тошкент шаҳри, иккинчи томони — пойтахт вилоятининг ҳудудларидан ташкил топган ва 1995 йилда 30 минг нусҳада чиқарилган мазкур харита ўзбек тилидами ёки рус тилидами, билолмай қолдим. Ўзингиз ўқиб кўринг: Октябрский, Рузаевка, Михайловка, Северний маяк, Тельман, Майский, Правда, Авангард, Энгельс, Дмитров, Москва, 40 лет Октября, Красний восток ва ҳоказолар...

Буни қандай тушунмоқ керак? Мазкур ҳудудларнинг номлари, эҳтимол, эскича сақланиб қолгандир. Нима бўлганда ҳам шошма-шошарлик билан хаританинг мундарижасини ўзбек тилида, ҳудуд номларини эса рус тилида талқин қилиш зарурмиди? Бунинг сабаби нимада? Геодезия ва картография бошқармаси ходимлари, балки, буни изоҳлаб беришар?! Хуллас, янги харита ижодкорлари заррача масъулиятни ҳис этмаганлиги мени ниҳоятда ранжитди».

Ушбу мактуб бизни ҳам ўйлантириб қўйди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, юқорида номлари келтирилган Тошкент вилояти ҳудудлари вилоят топономия қўмитасининг қарори билан аллақачон ўзгартирилган бўлишига қарамай, юқоридаги харитада ўз аксини топмаган.

Фақат бугина эмас. Яқинда Республика Давлат тили ва топономия қўмитаси ходимлари билан ўтказилган текширишлар давомида ҳамон корхона, ташкилот, ҳатто мактаблар ва ўқув юртларида ҳам собиқ Иттифоқ даврида ишлаб чиқарилган хариталар осиб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. «Узбекская ССР», «Политическая карта мира», «Союз Советских Социалистических Республик» деб ёзиб қўйилган хариталарнинг ҳалигача нафақат вилоят, шаҳар, балки, республикамизнинг қатор идораларида ҳам кўзга ташланиши таажжубланарли ҳол эмасми?!

Бизнинг нега бу хариталар ҳамон осиғлиқ турипти, деган саволларимизга кўпчилик раҳбарлар янгиси бўлмагандан кейин, нима қилайлик, деган жавобни беришди. Ваҳоланки, мустақил давлатимизнинг сиёсий харитаси тайёрланган. Аммо, уни топиб, тегишли идораларни таъминлаш учун ҳафсала ва хоҳиш етишмаяпти, холос.

Лекин, юқорида айтганимиздек, мавжуд хариталар турли камчиликлардан, нуқсонлардан, тушунмовчиликлардан холи эмас. Ўйлаймизки, бу ишга мутасадди бўлган маҳкамалар мавжуд хатоликларни бартараф этиб, мамлакатимиздаги ҳар бир идора, ташкилот, мактаблар, боғчалар, ўқув юртларини мукаммал, сифатли тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг ва вилоятларнинг хариталари билан таъминлайдилар.

Қолаверса давлатимиз рамзлари — унинг байроғини, туғросини топишнинг ўзи анча мушкул бўлмоқда. Тегишли идоралар уларни топиш, тарқатиш тадбирлари билан жиддий шуғулланадиган пайт келмадими?!

Яна бир гап, Баъзан айрим ерларда дидсиз ўрнатилган байроқ ва бошқа давлат рамзларимизни кўриб, киши ранжийди. Ваҳоланки, давлат рамзларини ўрнатишнинг ҳам белгиланган қоида ва тартиблари бор. Буни барча идора раҳбарлари, мутасаддилар яхши билишлари шарт.

Зеро, миллат ғурури, Ватан фахри, халқ шуури, маънавиятимиз, мафкурамиз, қадриятларимиз ибтидоси ана шундан бошланади.

***Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.***

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

***• Қомуслар бош таҳририяти «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедиясини нашр этди. Бу китоб моҳият-эътибори билан мустақил Ўзбекистоннинг илк қомусидир.***

Китоб шартли равишда ўн олти бўлимга ажратилган. Барча мақолалар муайян мавзу бўйича жойлаштирилган. Дастлабки бўлимларда Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни, маъмурий-ҳудудий бўлиниши, табиати, аҳолиси ҳақида гап боради. Сўнгра Ўзбекистоннинг тарихи берилади. Темур ва Темурийлар даврига алоҳида тўхтаб ўтилган.

Мустақилликка эришилгандан буён ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар юз берди. Гарчи мамлакатда ислоҳотлар давом этаётган бўлса-да, ўтган давр ичида унинг асосий йўналишлари шаклланиб бўлди. Энциклопедиянинг «Сиёсий тизим» бўлимида шулар ҳақида маълумотлар берилади. Ушбу бўлимда мамлакат ташқи сиёсати, қуролли кучлари ҳақида ҳам алоҳида сўз юритилади.

Китобда Ўзбекистон иқтисодиётига катта ўрин берилган. Бу борада туб ислоҳотлар босқичма-босқич ўтказилаяпти. Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллари илгари сурган беш тамойилга асосланган иқтисодий ислоҳотлар тадрижий равишда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти маънавият келажак пойдевори эканлигини ҳамиша таъкидлаб келади. Зотан, маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш маънавиятдаги асосий вазифалардан бири сифатида қўйилган. Бу борада Ўзбекистонда эришилган ютуқлар, кўрсаткичлар «Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм», «Таълим тизими», «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари» ва бошқа бўлимларда ёритилган.

Маънавиятни юксалтиришда миллий қадриятларга, урф-одатларга таяниш, уларни умумбашарий ғоялар билан уйғунлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Зеро, маънавий илдизимиз чуқур, қадриятларимиз бениҳоя бой. Китобнинг кейинги бўлимларида шу мавзуда фикр юритилади. Китобда ўзбек тили ва ёзуви, ўзбек адабиёти, фани, меъморчилиги ва санъатига катта эътибор берилган.

Китоб сўнггида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳақида махсус мақолалар берилиб, энг зарур маълумотлар келтирилган.

Энциклопедияда 500 га яқин сурат, харита ва бошқа безаклар бор.

***(ЎзА).***

## «ҲАДИС»НИНГ ЯНГИ ЖИЛДИ

Қомуслар Бош таҳририяти ўз китобхонларига беназир туҳфа тақдим этди. Имом Бухорийнинг тўрт жилдли «Ал-жоми ас-саҳиҳ» номли ҳадислар тўпламининг иккинчи жилдини «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни юқори сифатли қоғозда кўп минг нусхада босмадан чиқарди.

Ушбу китобдан Жаноб Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва ссалламнинг тижорат, судхўрлик, порахўрлик, бозорлар, ширкат, адлия, сулҳ, жиҳод, хиёнат, дунё ва инсоннинг яратилиши, малоикалар, жаннат ва жаҳаннам, ҳурлар, сайёралар ҳақидаги ва бошқа мавзулардаги ҳадиси шарифлари ўрин олган. Тўпламдаги ҳадислар мустақил юртимиз халқларининг диний, тарихий, маданий ва маънавий билимларини бойитиш билан бирга уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида тижорат ва унинг одоби, қонун-қоидалари тўғрисидаги малакаларини оширишда ҳам катта кўмак беради.

***(ЎзА).***

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг биринчи чақириқ тўртинчи сессияси 9 январь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти ҳокимлигининг катта мажлислар залида очилади.

Депутатлар соат 8.00 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.




## «КАМОЛОТ» ТАШАББУСИ БИЛАН

ТУМАН «Камолот» жамғармаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, ана шу қисқа фурсат ичида бу жамғарма томонидан туман ёшлари учун анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ташкил этилган «Ҳанифа» кичик корхонасида шлакоблоклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, аҳолига арзон нархларда сотила бошланди. Бу корхона томонидан яқинда ТҚХИММИ ўқув хўжалигининг Усмон Юсупов қишлоғида тегирмон қурилиб, ишга туширилди.

Жамғарма тасарруфида бўлган «Чавандоз» фермер хўжалиги аъзолари эса айни кунларда 10 гектар ерга экилган буғдойни меҳр билан парваришламоқдалар.

Хуллас, «Камолот» жамғармаси тадбиркор ва ишбилармон ёшлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиб, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари очиш, шу орқали ёшларни иш билан таъминлаш, халқимизга арзон ва мўл маҳсулотлар етказиб бериш йўлида дастлабки дадил қадамларни қўймоқда.

***Маъмур БОЗОРАЛИЕВ,***
***Ўртачирчиқ тумани.***

## КЎПРИК БИТДИ, ЙЎЛЛАР ОЧИЛДИ

Равон йўллар, узоқни яқин қиладиган мустаҳкам кўприклар кимнинг дилига қувонч бахш этмайди, дейсиз. «Тошвилоятавтойўл» давлат акциядорлик бирлашмаси ташкилотларининг бунёдкорлари 1996 йил охири ва янги йил бошларида аҳолига катта қулайлик яратиб, ана шундай шодлик ҳадя этдилар. Хусусан, Зангиота туманидан ўтувчи Бўзсув дарёси устидаги кўприк фойдаланишга топширилди.

Дўрмон қишлоғи сари тушган 4,3 километр узунликдаги бағри кенг йўллар бўйлаб автомобиллар ва пиёдалар юриши бошланиб кетди. Ангрен-Фарғона водийси узра очилган катта йўл ҳам таъмирланиб, тўртинчи тоифадан иккинчи тоифа даражасига кўтарилди. Бу ишларни бажаришда Тоҳир Ҳасанов, Йўлдош Аҳмадхонов, Бахтиёр Абдусамиевлар раҳбарлик қилаётган Юқоричирчиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари автойўл бошқармалари йўлсозларининг ҳиссаси катта бўлди.

***Саид САИДАҲМЕДОВ.***

## «САТРЛАРДА ҚОЛГАН КЎЗ ЁШЛАР»

ПАРКЕНТ туман маданият уйи ижодий жамоаси Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб «Сатрларда қолган кўз ёшлар» деб номланган адабий мусиқий дастурни намойиш этди. Абдурауф Фитратнинг ижод намуналари, унинг ҳаёти акс эттирилган мазкур томоша сценарийсини Акбаржон Турсунов ёзган. Ижодий гуруҳ аъзоларидан Насибахон Нишонова, Гулзаҳро Эрматова, Дилшод Азимбоев, Мирҳошим Мирҳайитовлар шоирнинг зиддиятли ҳаётини ҳаяжонларга бой саҳналарда ифода эта олдилар.

***С. САЛОҲОВ.***

## «ДИНДАЛЯ»НИ ТОМОША ҚИЛИНГ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туман маданият уйининг «Диндаля» корейс миллий ашула ва рақс дастасининг мафтункор концерт томошалари мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда. Ижодий жамоанинг ҳар бир дастури шинавандалар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Раиса Кан бошлиқ даста намойиш эта бошлаган «Дўстлик тароналари» деб номланган янги концерт томошаси ҳам барчанинг эътиборини ўзига жалб этди. Корейс халқининг ўзига хос оҳангларга бой тароналари, мафтункор рақслари томошага ташриф буюрганларга бир олам завқ улашмоқда. Ижодий жамоа аъзоларидан Сергей Хан, Елизавета Ким, Мария Ким, Людмила Шигайлар ижро этаётган дилрабо қўшиқлар тингловчиларга манзур бўлмоқда.

***Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.***

